O'z DSt 36.1679:2014

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимининг**
**Давлат таълим стандартлари**

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти**

***5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)*** **таълим**

**йўналишининг давлат таълим стандарти**

**Расмий нашр**

# ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

**Государственные образовательные стандарты**
**непрерывного образования Узбекистана**

**Государственный образовательный стандарт высшего образования**
**Государственный образовательный стандарт направления образования**
***5150900 - Дизайн (компьютерная графика и художественное фото)***

**Издание официальное**


Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Тошкент**

O'z DSt 3.16.79:2017

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

## Ўзбекистон узлуксиз таълимининг Давлат таълим стандартлари

## Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти

## *5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)* таълим йўналишининг давлат таълим стандарти

**Расмий нашр**

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Тошкент**

# СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Миллий рассомлик ва дизайн институти.

**2.ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил «10» март даги 84 - сонли буйруғи.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги. 05-616 26. 01. 2015

**4. ИЛК БОР КИРИТИЛИШИ.**

*Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.*

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORAT VA MUVOFIQLASHTIRISHVA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

## Мундарижа

**1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари** ........ 1
**2. Қўлланиш соҳаси** ........ 2
**3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар** ........ 3
**4. Таълим йўналишининг тавсифи** ........ 3
**5. *5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи** ........ 4
**6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар** ........ 4
**7. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари** ........ 11
**8. Бакалавриат таълим дастурини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар** ........ 18
8.1. Бакалавриат таълим дастурини ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар ........ 18
8.2. Таълим дастурини татбиқ этилиши ........ 19
8.3. Малака амалиётини ташкил этиш талаблари ........ 19
8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар ........ 20
8.5. Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари ........ 21
8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар ........ 21
**9. Бакалаврни тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш** ........ 22
**10. Эслатма** ........ 22
**11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати** ........ 23
**Илова** ........ 24
**Библиографик маълумотлар** ........ 25
**Ишлаб чиқарувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари** ........ 26

O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORAT.N NUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

O'z DSt 36 16 79 :201 4

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимининг**
**Давлат таълим стандартлари**
**Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти**
***5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)* таълим**
**йўналишининг давлат таълим стандарти**

**Государственные образовательные стандарты**
**непрерывного образования Узбекистана**
**Государственный образовательный стандарт высшего образования**
**Государственный образовательный стандарт направления образования**
***5150900 - Дизайн (компьютерная графика и художественное фото)***

**State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan**
**State Educational Standards of Higher Education**
**State Educational Standard on the level of bachelors of**
***5150900 - Design (computer grahie and art photo)***

**Амал қилиш муддати «30» 01 2015 йилдан**
**«___» _______201_йилгача**

## 1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги ҳужжатларга асосланилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни.Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлидаги 341-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўгрисида"ги ПҚ-1533-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги "Янгиланган «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисида"ги 302-сонли буйруги.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
5382 son bilan
«26» 01 2015 yilda
Davlat ro'yxatiga olindi

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 190-сонли буйруғи.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 281-сонли буйруғи.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 446-сонли буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 158-сонли буйруғи.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 365-сонли Қарори.

## 2. Қўлланиш соҳаси

**2.1.** Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) ***5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг асосий таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**2.2.** Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда асосий таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**2.3.** ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъуллар – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORAT.NI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

## 3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

**касбий фаолият тури** – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

**компетенция** – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

**модуль** – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

**таълим йўналиши** – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган "бакалавр" академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, уқувлар ва кўникмалар мажмуаси;

**касбий фаолият объекти** – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

**касбий фаолият соҳаси** – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

**бакалавриат** - олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билимлар берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим;

**бакалавриатнинг таълим дастурлари (бакалавриат дастури)** – ўқув фанларининг бакалавриат йўналишларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати;

**ўқув-ўрганиш натижалари** – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи;

**ДТС** – Давлат таълим стандарти;

**АРМ** - ахборот ресурс маркази;

**ИТИ** - илмий тадқиқот институтлари;

**ОТМ** - олий таълим муассасаси.

## 4. Таълим йўналишининг тавсифи

**4.1.** ***5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастурини амалга оширган, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

**4.2.** Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси**

| Таълим дастурининг номи | Малака (даража) | Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг таълим дастури | Бакалавр | 4 йил |

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORAT N. MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

# 5. *5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

**5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси:**

**5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)** - таълим йўналиши бўйича дизайн соҳасидаги йуналиш бўлиб, миллий ва жаҳон дизайн ва бадиий фото, ҳамда бошқа дизайн турларининг ривожланишини, фотографиянинг ҳозирги жамиятдаги мавқеини ўрганиш ва тадқиқ қилишга йўналтирилган воситалар, бадиий фото ва компьютер графикасига оид комплекс масалаларни ечиш усуллари мажмуасини қамраб олади.

**Бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

– бадиий фотография асосларидан фойдаланиб мутахассислик билимларини такомиллаштириш;

– фотокомпозиция қонунларига асосланиб бадиий фотоасарлар яратиш.

– янги техник ускуналарни амалиётда қўллаш ва назарий хулосалар ишлаб чиқиш;

– компьютер технологияларидан унумли фойдаланиб бадиий реклама яратиш.

**5.2. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг объектлари:**

***5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг **касбий фаолияти объектлари:**

- телевидение ва киностудия павильонларида фототасвирга олиш ускуналари;

– фотопавильон, тасвирга олиш майдони, декорация қурилма ва студиялар техник аппарат ва мосламаларни қўллаш;

- ёритиш технологиялари, ахборот ва дастурий таъминот программаларини тузиш.

**5.3. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг турлари:**

- *илмий-бадиий;*
- *ишлаб чиқариш;*
- *ташкилий-бошқарув фаолияти;*
- *фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш фаолияти* ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**5.4. Касбий мослашув имкониятлари:**

Бакалавр педагогик қайта тайёрлаш ўқув курсларидан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари:**

***5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)*** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин қуйидаги:

- 5А150901 – Дизайн (*компьютер графикаси ва бадиий фото*) магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, бакалавр ўрнатилган тартибда мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

# 6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

6.1. *5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

**а) умумий талаблар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

O‘ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиклол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**б) касбий талаблар:**

- фаолиятнинг ишлаб чиқариш ва технологияларини инобатга олган ҳолда техник аппарат ва мосмаларни ишлаб чиқариш технологиялари асосида жойлаштириш ҳамда фотосуратга олиш жараёнларини ташкил қилиш ва бошқаришни;

- ишлаб чиқариш ва технологик масалаларини фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий профессионал даражада ечиш қобилиятига эга бўлиши;

- инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш бўйича ҳамда меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш бўйича методика ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш қобилиятига эга бўлиши;

- ишлаб чақиришда меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ***қобилиятига эга булиши керак.***

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- жаҳон ва миллий фото санъати ютуқларини тадқиқ қилиш;

- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича услублар, дастурий ечимлар, воситаларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;

- намунавий услубиётлар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;

- илмий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;

- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий семинарлар, илмий конференциялар ишида иштирок этиш;

- илмий мавзувий журналларга мақолалар тайёрлаш;

- интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш ва топиш қобилиятига эга бўлиши;

- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш ***қобилиятига эга бўлиши керак.***

**Ишлаб чикариш фаолиятида:**

- фототехнологияларни ўзлаштириш ва улар воситасида фото маҳсулотлар ишлаб чиқариш, фотография хизматини кўрсатиш;

- фотосанъати соҳасида турли фотосурат яратиш;

- мухандислик ва конструктив қарорларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни синаш, техник назоратни ва бошқарувини амалга ошириш;

- фотомаҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича ижодий-мухандислик гуруҳи ишини ташкил этиш, турли фикрлар шароитида бошқарув қарорларини қабул қилиш;

STANDARTLASHTIRISH ... NAZORAT ... AXBOROT TEXNOLOGIYALARI ... JORIY ETISH

- касбий этика кодексига риоя килиш ***қобилиятига эга бўлиши керак.***

**Фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- телевидение ва киностудиялар, фотостудиялар, реклама агентликлари, илмий корхона ва ташкилотлар, ўкув муассасаларида фаолият олиб бориш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**6.2. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйилган талаблар**

**6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича:**

*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар* блоки бўйича талаблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган *«Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар»* блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

**6.2.2. Математик ва табиий-илмий фанлар бўйича талаблар**

**6.2.2.1. Олий математика фани бўйича**

***Бакалавр:***

- математика - оламни идрок этишнинг муҳим усули эканлиги, унинг тушунча ва тасаввурларининг умумий эканлиги,
- математик моделлаштириш,
- ахборотлар, уни сақлаш, ишлаб чиқариш ва узатиш услублари,
- статистикани ўрганиш услублари ва вазифалари, статистик кузатиш, жадваллар ва маълумотлар,
- статистика ҳисобининг аҳамияти ва услублари, мутлақ, ўртача ва нисбий миқдорлар ҳамда статистик таҳлил ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- математик таҳлил, аналитик геометрия, чизиқли алгебра, комплекс ўзгарувчи функциялар назарияси, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, дискрет математиканинг тушунча ва услубларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- объектларнинг миқдор ва сифат муносабатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланиш,
- экспериментал маълумотларга ишлов беришнинг асосий усул ва услубиятларидан фойдаланиш,
- алгебра тенгламаларини аналитик ва сонли ечиш, оддий дифференциал тенгламларни ечиш ***кўникмаларга эга бўлиши керак.***

**6.2.2.2. Информатика, ахборот технологиялари ва компьютер графикаси бўйича**

***Бакалавр:***

- тизимли блокдаги иш тамойиллари;
- операцион тизим асослари;
- асосий офис дастурлари (PowerPoint ва ҳ.к.), нуқтали ва вектор графика, Corel Draw, Adobe Illustrator, Fotoshop;
- таҳрир қилувчи дастурлар (Page Maker, Indesign ва 3D Max), электрон график планшет билан ишлаш тамойиллари, асосий фототахрир қиладиган дастурлар ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- электрон почтадан фойдаланишни, интернетдан керакли маълумотни қидиришни; Corel Draw, Adobe Illustrator, Fotoshop дастурларда маълумотларни сақлашни, импорт ва экспорт қилишни, Corel Draw, Adobe Illustrator, Fotoshop дастурлардан - Page Maker, Indesign ва 3D Max дастурлар орасида маълумотнинг алмашиши, нуқтали, вектор ва 3D дастурлар (Corel Draw, Adobe Illustrator, Fotoshop, Page Maker, Indesign ва 3D Max) ёрдамида муаллифлик лойиҳасини яратишни ***ва улардан фойдалана олиши;***
- турли хил компьютер дастурлари ва редакторлари билан ишлаш;
- илмий-тадқиқот ишларида матн ва график редакторлардан фойдаланиш, курс лойиҳалари учун тақдимотлар яратиш, ҳужжатлардан нусҳа олиш, сканер қилиш, папкаларни йўқотиш ва яратиш;

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORAT. N: MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

- матнли маълумотни киритишни, жадвалларни жойлаштиришни, тақдимотларни яратишни, турли таҳрирларда бажарилган тасвирларни комбинациялаш;
- професионал даражада туширилган фотоларни ва тақдимотларни ишлаб чиқиш ***кўникмаларга эга бўлиши керак.***

**6.2.2.3. Экология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги фаии бўйича**

***Бакалавр:***

- табиат қонунлари ва уларга риоя қилиш бўйича экологик билимлар;
- экологик муҳит, экологик мувозанатнинг бузилиш сабаблари ва оқибатлари;
- организмлар ва муҳитнинг ўзаро таъсири, экотизимлар;
- табиат ресурслари, уларнинг тоифалари ва улардан фойдаланиш ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- атроф-муҳитни табиий ва антропоген омилларнинг салбий ва зарарли таъсиридан ҳимоялаш воситалари ва усулларини;
- табиатни муҳофаза қилишнинг назарий асосларини, инсоннинг хўжалик фаолиятини, жумладан сув хўжалиги иншоотларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- ҳududнинг экологик ҳолатни баҳолаш ва уни соғломлаштириш чора-тадбирларини асослаш, ижодий фаолиятга салбий таъсир қилувчи омилларни камайтириш ва қулай факторларни танлаш ***кўникмаларга эга бўлиши керак.***

**6.2.2.4. Перспектива фаии бўйича**

***Бакалавр:***

- уч ўлчамлиликни тасвирлаш тизими;
- фазо тасвирини бериш ва унинг жойлашуви ифодалилиги;
- рангтасвирда санъаткор услуби ва фазо ечими ифодалилиги ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- чизиқли перспективани, ҳаво перспективасини, тескари перспективани ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- лавҳа юзасида тасвир фазоси, фазода чуқурлик ва иллюзия, перспективанинг рангтасвир фазовий ечимни ифодалаш;
- перспективани композициянинг асосий элементига айлантириш;
- касбий маҳорати билан бадиий асар руҳига таъсир кўрсатиш ***кўникмаларга эга бўлиши керак.***

***6.2.2.5.* Материалшунослик фаии буиича**

***Бакалавр:***

- сенсибиляция ва гиперсенсибилазия жараёнларини;
- ёруғликка таъсирчан қатламларни ишлаб чиқариш жараёнларини;
- фототасмалар хусусиятларини;
- сенситометр ва денситометр каби ускуналарнинг имкониятларини, ёруғлик таъсирчанликни мувозанатлаш усулларини, сенситометриянинг асосий қонуниятларини;
- латенсификация, регрессия, ранг ҳароратини назорат қилиш усулларини;
- фототасмаларни иссиқ ва совуқ қайта ишлаш усулларини, тасвирни пайдо қилувчи, тасвирни пайдо бўлиш тезлаштирувчи жараёнини;
- тасвирни қотирувчи кимёвий моддаларни ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;
- негатив фототасманинг оптик зичлигидан тасвирнинг ёруғлик ечимини белгилаш;
- тасвирни кимёвий усулда фототасмада чиқариш ва қоғозга кўчириш, ёруғликка таъсирчан материалнинг ўртача градиентини аниқлаш, фототасвирга олишда муҳитнинг экспозициясини белгилаш;
- фотоқоғозда расм чиқаришда аддитив ва субтрактив усулларидан фойдаланиш;
- негатив фотоматериални оптик зичлигини сусташтириш ва кучайтириш бўйича ***кўникмаларга эга бўлиши лозим.***

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, SIFAT NAZORATI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BO'LIMI

**6.2.3. Умумкасбий фанлар бўйича талаблар**

**6.2.3.1. Тасвирий санъат умумий тарихи фани бўйича:**

***Бакалавр:***

- тасвирий санъатнинг пайдо бўлиш тарихи ва сабаблари, янги шакл ва услублар ривожининг асосий бадиий элементларининг бадиий санъатда акс этиши, географик, иқтисодий, ижтимоий, маданий омилларнинг тасвирий санъат турлари ривожланишига таъсири, жаҳон санъати ривожланишининг асосий босқичлари. Шарқ ва Ғарб анъанавий санъатларининг ўзига хосликлари, ҳорижий санъат, Қадимги антик, Ўрта асрлар ва Уйғониш даври санъати, уларнинг моҳияти ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***

- анъанавий ва замонавий санъат мактабларини, замонавий дунё санъатининг ривожланиш тенденцияларини, санъат тарихидаги йўналиш ва назарияларни, тасвирий санъат услубларининг тарихий ривожланишини, тасвирий санъатнинг турлари ва жанрларини, Ўзбекистон тасвирий санъати тарихини, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъат турлари ва мактабларининг ривожланиш муаммоларини, маданий тарихий фактлар ва ходисаларни таҳлил этиш ва тизимлашни, санъат асарининг эстетик қийматини аниқлаш ва уни баҳолашнинг бадиий мезонларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

- санъат тарихида ориентирланиш, касбий фаолиятда санъат тарихига оид билимларни қўллаш, санъат асарининг бадиий қийматини баҳолаш, санъат асарини таҳлил этишда санъатшунослик терминологиясини қўллаш, санъат асарларини тушуниш ва таҳлил қилиш, XX аср тасвирий санъатидаги замонавий бадиий жараёнларни ва асарларни таҳлил қилиш, Ўзбекистоннинг тасвирий ва амалий санъат марказларини, мактабларини, усталарнинг асарларини ишлаш услубига кўра ажратиш ***кўникмаларга эга бўлиши керак.***

**6.2.3.2. Чизматасвир ва рангтасвир фани бўйича**

***Бакалавр:***

- чизматасвир воситалари ва графика техникалари турлари ;
- графиканинг (чизиқ, нуқта, штрих, доғ) ифодалари;
- перспективанинг турлари ва қонуниятлари, чизиқли ва ҳаволи перспектива;
- графикада композициянинг асосий қонуниятлари ва воситалари;
- графикада композициянинг воситалари ва турлари, чизматасвир мактаблари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***

- бўёқларни механик аралаштиришдаги ранглар жилоси, рангларнинг оптик аралаштирилиши, турли рангларнинг таъсир характери ва уларнинг инсон руҳиятига таъсири, хилма-хил ранглар ва боғловчи моддалар, ранглар ва туслар муносабатларини;

- рангтасвирнинг асосий ифодали воситалари, чизиқли ва ҳаволи перспектива, пластик анатомия, рангтасвир асарини яратишдаги техник ва технологик жараёнлар графикли тасвирлар учун асос материаллар (қоғоз, мато, картон, ҳ.к.) ни;

- чизматасвир техникаларини, замонавий графикли технологияларни, табиатда рангтасвирнинг специфик хусусиятларини;

- сунъий ёритилишдаги рангтасвирнинг специфик хусусиятларини, алоҳида қомат ёки буюмларни тасвирлашдаги тусли ечимларнинг хилма-хил характерларини;

- амалий санъат асарларида рангтасвирнинг хилма-хил техник усулларини, Ўзбекистон амалий санъат асарларидаги анъанавий ранглар тўпламларини, Ўзбекистон амалий санъат асарларидаги рамзлар образларини ва белгилар тизимини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

- табиатда ишлаш;
- натурадан чизиш;
- ёддан чизиш;
- меъморий манзараларни ва интерьерларни чизиш;

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

- бўлажак санъат асарларнинг графикли эскизларини яратиш;
- амалий санъат асарлари рангтасвирли эскизларни яратиш ***кўникмаларга эга бўлиши керак.***

**6.2.3.3. Рангшунослик ва композиция асослари**

**Бакалавр:**

- фотографиянинг бошқа санъатлар билан ўзаро таъсири ва алоқалари, инсоннинг рангли тасвирни қабул килишдаги субъективлик ҳолатлари, , рангли фототасвирларни олишнинг тамойиллари ва усуллари, рангли фототизимнинг техник характеристикалари, рангли фотонинг субтрактив ва адитив тизимлари, рангли субтрактив ва адитив фототасвирларни яратиш тамойиллари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- тасмали ва рақамли фотогрwelcome tanlash тизимларини;
- фотографиянинг санъат сифатида шаклланиш босқичларини;
- рангли фотонусхаларни олишда проекциянинг хусусиятларини;
- фотографиядаги мураккаб ва махсус жараёнларни, фотосанъат тушунчасини, фотографиянинг санъат сифатида жамиятда тутган ўрнини;
- ёритиш асбоб ускуналари ва уларнинг имкониятларини, кадрнинг колористик ечимини ишлаб чиқиш технологиясини,
- содда ва мураккаб композициялар қуриш усулларини;
- фоторепортаж тасвирга олиш, кўп кадрли тасвир, фотоочерк яратиш усулларини, фотографияга доир барча турдаги техник воситаларни, фототасвирга олиш ва уни қайта ишлаш усулларини, фотография жанрлари хусусиятларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;
- фототасвир ишлаб чиқишда фото техникасини кўллаш;
- экран фотоскопидан рангли фототасвирларни олиш, рангли тасвирлар техникаси ва сигналлар коди ёрдамида тушириш;
- оптик тизимлардан фойдаланиш;
- жамиятдаги жараёнларни фотография санъати орқали очиб бериш;
- ёритиш ускуналаридан ва ёритиш усулларидан бадиий мақсадларда фойдалана олиш, битта ва кўп фотографияли композицияларни, фотоколлажларни бадиий мукаммал даражда ярата олиш;
- ҳаётни фотография санъати орқали очиб бериш, фотография ускуналаридан мақсадли фойдаланиш;
- фототасмаларни қайта ишлаш, архив учун рўйхтага олиш, сақлаш;
- фотографик асарларни қайта ишлашда замонавий компьютер дастурларидан фойдаланиш, фото асарларни ранг ва ёрқинлик жиҳатидан коррекциялаш ва чоп этиш ***кўникмаларига эга бўлиши лозим.***

**6.2.3.4. Бадиий фотони компьютерда лойихалаш**

**Бакалавр:**

- фото санъатининг ва фотографлик касбининг пайдо бўлиши;
- компьютерда фотографик лойиҳалашнинг турли услублари, бадиий композиция асослари ва уларда қўлланиладиган замонавий техник восита ва усуллари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- компьютерда лойиҳалаш жараёнида қўлланиладиган асосий материаллар, уларнинг ҳусусиятлари, пластикаси, ўзига хос технологик ишлов беришнинг хоссаларини;
- китоб ва рисолаларнинг электрон макетларни ҳамда уларни нашрга тайёрлашни;
- фотосурат, плакат ва ҳ.к.нинг электрон кўринишларини, матбаа-нашриёт корхоналари жамоасида ишлашни, компьютерда лойиҳалашнинг хилма-хил типларини саноатда бадиий саҳифалашни, фойдаланиш услубларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- китоб ва рисолаларнинг электрон макетларини тайёрлаш ва уларни нашрга ҳозирлаш ва яратиш;

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

- компьютерда лойиҳалаш чизмасини қўллаш, турли материалларнинг пластикаси ва тектоникасини қўллаш;
- текисликда турли структурали ва фактурали материалларни акс эттириш, компьютерда лойиҳалашда замонвий восита ва усулларидан фойдаланиш, компьютерда лойиҳалашда қўлланиладиган асосий материалларда ишлай олиш;
- рисолаларнинг электрон макетларини тайёрлаш ва замонавий дастурларни қўллаш орқали тасвирларни қайта ишлаш ***кўникмаларга эга бўлиши керак;***

**6.2.3.5. Фотоаппаратура, оптика ва махсус тасвир фани бўйича**

**Бакалавр:**

- фотоаппаратура ва оптиканинг бадиий тизими;
- замонавий фототехнологиялар ва фототасвирни яратиш жараёнида фотоускуналарнинг аҳамияти;
- фотоаппаратлар, уларнинг техник имкониятлари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- объективларнинг тузилиши, улардаги линзаларнинг тасвирлаш хусусиятларини;
- линза орқали тасвирнинг ҳосил қилиниши ва бу жараёндаги оптик мосламаларини;
- фотосуратни кимёвий усулда яратишни, бадиий асар яратиш учун техник имкониятларни, техник фотография мосламаларини, электрон шаклдаги фотосуратларга турли дастурлар (фотошоп ва ҳ.з.) орқали ишлов беришни;
- суратга олишдан тайёр расм шаклига олиб келишгача бўлган фотографик жараённи, макро ва микротасвир асосларини, инфрақизил, ультрабинафша ва ренгген нурларда суратга олишни, сув остида тасвирга олишни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- замонавий рақамли фотоускуналар, фотопавильон, тасвирга олиш майдони ва студияларда, табиат қуйнида тасвирга олиш ишларини ташкиллаштириш, бунда жараён ўтаётган муҳит хусусиятларини инобатга олган ҳолда техник ускуна ва мосламаларни ишлаб чиқариш технологиялари асосида жойлаштириш ҳамда суратга олиш ***кўникмаларга эга бўлиши керак.***

**6.2.4. Ихтисослик фанлари бўйича талаблар**

**6.2.4.1. Фототехника ва технологиялари фани бўйича**

**Бакалавр:**

- фотода техник воситалар, материаллар ва ижодий фото ишлаб-чиқариш жараёнларининг аҳамияти, ёруғлик сезувчи материаллар ва уларнинг тузилиши, оқ-қора тасвирни олиш жараёни, фотоэмульсия синтези ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- фотография санъатида пайдо бўлаётган янги шакл ва жанрларни ўзлаштиришни;
- фототасма асослари, уларни тайёрланиши, физикавий ва кимёвий хусусиятлари, яширин тасвирнинг пайдо бўлишини;
- тасвирни пайдо килиш кинетикасини, фотографиянинг кимёвий эритмаларини;
- экспонометрик назоратнинг иккита асосий усулини, павильонда тасвирга олишдаги экспонометрик назоратни, экспонометрик нуқталар асосларини, фотографияларни тасвирга олиш жараёнида экспозиция режимини ўрнатишни, экспонометрик нозик ва ёруғлик кўрсаткичлари назоратини, асл тасвирга олиш жараёнидаги экспонометрик назоратни, мураккаб фотокадрлар устида ижодий ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишни, мураккаб тасвирга олиш жараёнини амалга оширишдаги камера ва тегишли асбобларни, тасвирнинг ёруғлик ва ранг драматургиясини, саҳна декорациялари ва безакларини, юқори даражадаги фотоматериаллар, фототасмалар ва уларнинг ишлатилиши бўйича тафсифланишини, оқ-қора фототасмаларни ювиш, тасвирни чиқарувчи, равшанлаштирувчи, сақловчи, тезлаштирувчи кимёвий эритмаларни;
- фотокамера, оптика, фототасмалар, мураккаб графиканинг чексиз имкониятларини, узун ва қисқафокусли объективни, фотографиядаги аксессуарлар ва либосларни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORAT- NI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BO'LIMI

- оқ-қора фототасмаларни ювиш, тасвирни чиқарувчи, равшанлаштирувчи, сақловчи, тезлаштирувчи кимёвий эритмалар билан ишлаш;
- тасвирга олиш учун техник тайёрланиш, ҳаракатдаги жисмларни тасвирга олиш, ҳаракатда тасвир олиш жараёнининг техник шартларини ҳисоблаш;
- фото асарларга замонавий руҳ сингдириш, мураккаб ва махсус тасвирга олиш жараёнларида иштирок этиш, фотография қуйилмаларини тайёрлаш, фиксаж турлари билан ишлаш ***кўникмаларга эга бўлиши керак.***

**6.2.4.2. Бадиий фотокомпозиция фани бўйича**

**Бакалавр:**

- фотография амалиёти ва назарияси, фотографиянинг бадиий савияси;
- бадиий фото асар, бадиий портрет, манзара, натюрморт, ҳужжатли ва қўйилган фото, фотоочерк, фоторепортаж, тасвирий санъатнинг реалистик мактаб анъаналари, замонавий тасвирий санъат ва фотоиндустриянинг янги погоналари;
- фото санъатининг ривожланишининг асосий босқичлари, бадиий жараённинг ташкил этилиши билан боғлиқ услублар ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
- гипс ҳайкалларини нур билан тасъвирга олишни, бадиий фотокомпозицияда шакл ва асар ғоясининг яхлитлигини, бадиий фотокомпозиция қонуниятларини;
- унинг ғоясининг фотоасарларда акс этишини, асарни яратишдан олдин лойиҳалаш жараёнида керак бўладиган техник ускуналар, фотография қонуниятларини;
- композиция усуллари ва воситаларини, расмдаги ҳар бир буюм ва жисмларнинг ўзаро бир мавзуга эгалигини, ранглар уйғунлигини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- ҳайкалларни нур билан тасъвирга олиш;
- портрет жанрида бадиий фотокомпозицияда инсон онги, психологик ҳолати ва дунёқарашини кўрсатиш;
- бадиий фотокомпозицияда шакл ва асар ғоясининг яхлитлигини акс эттириш;
- техник томондан мукаммал, ижодий нуқтаи назардан пухта бажарилган асар яратиш, яратилган бадиий асарнинг таъсирчанлигини баҳолаш ***кўникмаларга эга бўлиши керак.***

**6.3. Танлов фанлари бўйича бакалаврларнинг билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

## 7. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари

**7.1.** *5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

| | |
|---|---|
| Назарий таълим | 136 ҳафта |
| Аттестация | 19 ҳафта |
| Таътил | 30 ҳафта |
| Малака амалиёти | 14 ҳафта |
| Битирув иши | 5 ҳафта |
| **Жами** | **204 ҳафта** |

**7.2.** Талаба ҳафталик ўқув юкламасининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкламаси - 32 соат, қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORAT VA SERTIFIKATLASHTIRISHGA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

**7.3.** Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**7.4.** Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки фанлар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

**7.5.** ***5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)*** **бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари**

**7.5.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар мазмуни ва компонентлари**

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг зарурий мазмуни ва компонентлари «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

**7.5.2. Математик ва табиий-илмий фанлар мазмуни ва компонентлари**

**7.5.2.1. Олий математика:**

алгебра, асосий алгебраик тузилмалар, векторли фазовий ва чизиқли ифодалар, Буль алгебраси; геометрия, аналитик геометрия, кўп ўлчамли Евклид геометрияси, чизиқлар ва сиртларнинг дифференциал геометрияси, топология элементлари; дискрет математика: мантиқий ҳисоблашлар, графлар, алгоритмлар назарияси, тиллар ва грамматикалар, автоматлар, комбинаторика; анализ, дифференциал ва интеграл ҳисоблаш, функция назарияси ва функционал таҳлил элементлари, комплекс ўзгарувчилар функциялари назарияси, дифференциал тенгламалар; эҳтимоллик ва статистика, эҳтимоллик назариясининг математик асослари, тасодифий жараёнларнинг моделлаштириш, фаразларни текшириш, юқори тартиб ўхшатишлар тамойили, экспериментал маълумотларга ишлов беришнинг статистик усуллари.

**7.5.2.2. Информатика, ахборот технологиялари ва компьютер графикаси:**

ахборот тушунчаси ва унинг моҳияти, замонавий информатика ва ахборот технологиялари, информатиканинг асоси ва унинг замон тараққиётидаги аҳамияти, ахборот, ахборотлаштириш, ахборотларнинг ўлчов бирликлари, ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш технологиялари; компьютер – информатиканинг техник асоси; компьютернинг дастурий таъминоти; алгоритмлаш асослари; ахборотни тўплаш, узатиш, қайта ишлаш ва жамғариш жараёнларининг умумий тавсифи; информацион жараёнларни амалга оширишнинг техникавий ва дастурий воситалари; функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделлари; алгоритмлаш ва дастурлаш, юқори даражали дастурлаш тиллари; маълумотлар базаси; дастурий таъминот ва дастурлаш технологияси;

компьютер графикасининг техник воситалари; компьютер график воситалари; интернет компьютер графикаси; дастурий воситалар; компьютер-графикасининг асосий типлари; вектор графикаси (Corel Draw): нуқтали графика (Adobe Photoshop, Corel Photo, Paint), нашрлар тизими (Adobe Pagemaker), PowerPoint намойишлари ва анимациялар.

**7.5.2.3. Экология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги:**

биосферанинг тузилиши, экотизимлар, организм ва муҳитнинг ўзаро муносабатлари, экология ва инсон саломатлиги, атроф-муҳитнинг глобал муаммолари;

табиат ресурслари ва табиат муҳофазасидан рационал фойдаланишнинг экологик тамойиллари, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий асослари, экоҳимоялаш техникаси ва технологиялари, иқтисодий ҳуқуқ асослари ва касбий масъулият, атроф-муҳит соҳасида халқаро ҳамкорлик;

меҳнат физиологияси асослари ва ҳаёт фаолиятининг энг қулай шарт-шароитлари, антропоген омилларининг манбалари, техник тизимларнинг хавфсизлиги ва экологик тозалиги, фавқулодда вазиятлар шароитида хавфсизлик, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнғин хавфсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари, меҳнатнинг психофизиологияси асослари, инсон организмининг анатомик ва антропометрик кўрсаткичлари;

биомуҳит ва инсон: биомуҳитнинг тузилиши, экотизимлар, организм ва муҳитнинг ўзаро алоқаси, экология ва инсон соглиги, атроф муҳитнинг глобал муаммолари;

STANDARTLASHTIRISH ... NAZORAT ... AXBOROT TEXN... JORIY ETISH ...

табиатдан фойдаланиш: табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг экологик тамойиллари ва табиат муҳофазаси, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий асослари, экологик муҳофаза техникаси ва технологияси, экологик ҳуқуқ асослари ва касб масъумияти, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик;

инсон ва яшаш муҳити: меҳнат физиологияси асослари ва ҳаёт фаолияти учун қулай шароитлар, антропоген омиллар манбаи, ишлаб чиқариш муҳитининг микроиқлим кўрсаткичлари, ҳавони ифлослантирувчи манбаалар, механик ва акустик тебранишлар, электромагнит майдони ва ионли нурланишлар, электр ток таъсири;

хавфсизлик: техника тизимларининг хавфсизлиги ва экологиклиги, фавқулодда вазиятларда хавфсизлик, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини бошқариш, электр хавфсизлиги асослари, ишлаб чиқариш тиббиёти, ёнғин хавфсизлиги.

**7.5.2.4. Перспектива:**

перспектива кўламнинг тузилиши ҳисобига ҳажмли жисмларни тасвирлаш тизими сифатида; перспектива тартиб ва усулларнинг тарихий босқичлар ривожланиши: Қадим Шарқ, Антик санъатида табақали композициялар, Ўрта аср перспектива қурилишида шартли-рамзий схемаси; Уйғониш даври санъатида марказли-перспектива қурилиши; XVII-XVIII-асрларда олимларнинг оптика-математик асосланиши; Хитой ва Япониянинг параллел перспективаси; перспектива турлари: чизиқли – яъни тескари, панорамали, гумбазли – яъни «балиқ қовурғаси»; Қадим Рим фрескаларида ҳаволи перспектива; чизиқли перспектива эффектлари; картинанинг перифирияли қисмларда пайдо бўладиган тузилишлар; перспективали рангтасвир; декоратив рангтасвир; мавжуд меъморий кўлам иллюзияли кенгайиши; перспектива тасвирларининг қурилиш усул ва қоидалари.

**7.5.2.5. Материалшунослик:**

фототехника ривожига қисқача изоҳ; фотографияда техник воситалар; материалларни ва ижодий ишлаб чиқариш жараёнларининг аҳамияти; ёруғлик сезувчи материаллар ва уларни тузилиши; оқ-қора тасвирни олиш жараёни; фотоэмульсия синтези; фототасма асослари; уларни тайёрланиши; физикавий ва кимёвий етилиш; фототасмани оптик сенсибилизатори; асосга фотоэмульсия қуйиш; фото тасмани қайта ишлаш; яширин тасвирни пайдо бўлиши. яширин тасвирнинг физикавий ва кимёвий жараёнлари; негатив фотоматериаллар; сенсибилизарлаштирилмаган материаллар; фототасмалар ва уларни ишлатилиш йўналишлари бўйича классификацияларга бўлиш; оқ-қора фотомаҳсулотларини ювиш; тасвирни фотоқоғозга чиқариш; равшанлаштирувчи; сақловчи; тезлатирувчи кимёвий эритмалар; тасвирни пайдо қилиш кинетикаси; фотографиянинг кимёвий қўйилмалари ва уларнинг турлари ҳамда умумий тушунчалар; фотография қуйилмаларини тайёрлаш ва қўлланадиган схемаси; проявитель, фиксаж ва уларнинг турлари.

**7.5.3. Умумкасбий фанлар мазмуни ва компонентлари**

**7.5.3.1. Тасвирий санъат умумий тарихи:**

тасвирий санъат тур ва жанрлари; тасвирий санъат пайдо бўлиши тарихи; ибтидоий давр босқичларида тасвирий ва амалий санъатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи; тасвирий санъат атамалари билан танишиш; Мегалит маданияти тарихи; Қадимги Миср, Олд Осиё меъморчилиги ва тасвирий санъати тарихи, уларнинг таҳлили; Узоқ Шарқ тасвирий санъат тарихи; Қадимги Греция меъморчилиги ва тасвирий санъати; Қадимги Рим меъморчилиги ва тасвирий санъати тарихи; роман ва готика услуби меъморчилиги ва тасвирий санъати тарихи; уйғониш даври меъморчилиги ва тасвирий санъати (Италия, Испания, Франция, Германия санъати); барокко даври меъморчилиги ва тасвирий санъати тарихи (Италия, Франция, Испания, Голландия, Нидерландия, Германия санъати); рококо даври меъморчилиги ва тасвирий санъати (Франция, Италия, Испания санъати); классицизм даври меъморчилиги ва тасвирий санъати тарихи (Италия, Испания, Франция, Германия санъати); романтизм даври тасвирий санъати; модернизм (фовизм, кубизм, футуризм, экспрессионизм, сюрреализм, дадаизм) ва постмодернизм (поп-арт, оп-арт, кинетизм, гиперреализм) йўналишлари; XX аср меъморчилигида конструктивизм ва функционализм

STANDARTLASHTIRISH ... NAZORATINI ... AXBOROT TEXNOLOGIYALARI ... JORIY ETISH ...

услубларининг ўрни; XX аср ҳайкалтарошлиги санъати тарихи; XIX аср охири-XX аср бошида рус тасвирий санъати тарихи.

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи фани предмети, назарий-методологик асослари; Ибтидоий жамоа даври тасвирий санъати; шаҳар маданияти ва дастлабки ўзбек давлатчилигининг шаклланиш даври тасвирий санъати; Ахмонийлар даври тасвирий санъати; антик давр тасвирий санъати (Грек-Бақтрия маданияти); Кушон даврида Ўрта Осиё тасвирий санъати; илк ўрта асрлар тасвирий санъати (V-VIII асрлар); Турк хоқонлиги даври тасвирий санъати; Ислом дини фалсафаси ва унинг тасвирий санъатдаги роли; IX-XIII асрларда Ўзбекистон тасвирий санъати; Амир Темур даври тасвирий санъати; Темурийлар даври санъати; Шайбонийлар даври тасвирий санъати; Аштархонийлар даври тасвирий санъати; XVIII-XIX асрлар даври Ўзбекистон тасвирий санъати; XVIII-XIX асрлар Бухоро амирлиги даври тасвирий санъати; XVIII-XIX асрлар Хива хонлиги даври тасвирий санъати; XIX асрнинг охири XX бошлари Ўзбекистон тасвирий санъати; 1900-1920, 1920-30 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъати; 1930-1950 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъати; 1950 йиллар иккинчи ярми Ўзбекистон тасвирий санъати; 1960-1970 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъати; 1980 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъати; мустақиллик даврида Ўзбекистон тасвирий санъати.

**7.5.3.2. Чизматасвир ва рангтасвир:**

тасвирий санъатнинг асоси; чизматасвирнинг предмети ва методи, тасвирий ўқишнинг асоси, фазовилийлик, перспектива, пропорция тушунчалари, тасвирланаётган предметнинг ва предмет гурухларининг шакли ва ҳажми; тасвирда актив ва пассив методлар; тасвир воситалари ва чизиш усуллари; кийимдаги фигуранинг чизмалари, драпировка ёрдамида чизиш, тасвир этилаётган фигуранинг бадиий ечими; чизмалардан бирликка бориш методи; предметларнинг фазоликдаги график тасвирини перспектив қисқартириш қонуни; тусли перпектива қонунлари; ёруғлик-тусли графика усуллари; акс этиш қонунлари; инсонни биомуҳитда тасвирлашнинг график усуллари; тасаввур этиш асосида график фазовийликни яратишга композицион ёндашиш; ҳаёлан яратилган фазовийлик ва объектлар; кўриш орқали ва ҳаёлан тавирлаш; чизматасвирнинг графикли ва рангтасвирли воситалари; графикли техникаларнинг турлари; графиканинг (чизиқ, штрих, доғ) ифодали воситалари; чизматасвирнинг турлари ва хилма- хил технологиялари; текисликда ҳажмли буюмларни қуриш; перспективанинг турлари ва қонунлари; пластика ва унинг қонуниятлари; графикада композициянинг асосий қонунлари; графикада композициянинг воситалари ва турлари; чизматасвирнинг турли мактаблари (академик, этюдли, импрессион ва ҳ.); графикада ранг ечимининг қонуниятлари; амалий санъат ва графиканинг замонавий технологиялари; графикли тасвирлар учун асос материаллар (қоғоз, мато, картон, кулолчилик ва ҳ.); чизматасвирнинг турли техникалари; замонавий графикли технологиялар; меъморий ёдгорликларни ва амалий санъат асарларини таъмирлаш лойиҳаларини яратишда чизматасвирнинг турлари; табиатда ишлаш; натурадан чизиш, ёддан чизиш; меъморий манзараларни ва интерьерларни чизиш; бўлажак амалий санъат асарларининг графикли эскизлари;

тасвирий санъатнинг бир кўриниши сифатида; рангтасвирнинг турли техникалари: темперали, акварелли, гуашли; рангтасвир техникасини ўрганиш усуллари: актив, эркин ва ранг билан чуқур эътибор бериш; композицион рангтасвир асарларида колористиканинг ечими, таркатовка шакллар масаласи; предметларга ёруғлик тушганда локал рангларнинг ўзгариши; рангдаги перспектива; рангли ва тусли муносабат, фактура; натюрморт - рангтасвирдаги жанр сифатида, унинг ривожланиш тарихи; акварел билан ўқув этюдига кириш методикаси; натюрморт этюдларини яқинлаштириш ва контрастли рангли туслар; амалиётда натюрмортни форэскиз методидан бошлаб (композицион вариантлар) ишни тугатиш, контр-ажур ва унинг қонунларига ўргатиш методикасига яқинлаштириш; портрет рангтасвири жанри сифатида, рангли ва тусли шаклни портретда ясаш; колористик ечим; натурани бош кийимда чизиш этюди, ярим фигурани кийимда ва замонавий костюмда тасвирлаш устида ишлаш; ранглар гаммаси; рангларнинг хосиятлари (илиқ, совуқ) ва

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

сифатлари; бўёқларни механик аралаштиришдаги ранглар сифати; рангларнинг оптик аралаштирилиши; турли рангларнинг таъсир характери ва уларнинг инсон руҳиятига таъсири; турли ранглар ва боғловчи моддалар; ранглар ва туслар муносабатлари; рангтасвирнинг асосий ифодали воситалари; чизиқли ва ҳаволи перспектива; пластик анатомия; рангтасвир асарини яратишдаги техник ва технологик жараёнлар; табиатда рангтасвирнинг специфик хусусиятлари; сунъий ёритилишдаги рангтасвирнинг специфик хусусиятлари; алоҳида гавда ёки буюмларни тасвирлашдаги тусли ечимларнинг хилма-хил характерлари; амалий санъат асарларида рангтасвирнинг техник усуллари; амалий санъат асарларида анъанавий ранглар тўплами; Ўзбекистон амалий санъат асарларида рамзлар образлари ва белгилар тизими.

**7.5.3.3. Рангшунослик ва композиция асослари:**

инсоннинг рангли тасвирни қабул қилишдаги субъективлик ҳолатлари; рангли фотонусхаларни олишда проекциянинг хусусиятлари; рангли фототасвирларни олишнинг тамойиллари ва усуллари; рангли фото тизимининг техник характеристикалари; рангли фотонинг субтрактив ва адитив тизимлари; рангли субтрактив ва адитив фототасвирларни олиш тамойиллари; фототасвир ишлаб чиқишда фототехникани қўллаш; экран фотоскопидан рангли фототасвирларни олиш; рангли тасвирлар техникаси ва сигналлар коди ёрдамида тушириш; оптик тизимлардан фойдаланиш; фотоасарларни ранг ва ёрқинлик жиҳатидан коррекциялаш ва чоп этиш;

фотографиянинг санъат сифатида шаклланиш босқичлари; фотографиядаги мураккаб ва махсус жараёнлар; фотосанъати тушунчаси; фотографиянинг санъат сифатида жамиятда тутган ўрни; фотографиянинг бошқа санъатлар билан ўзро таъсири ва алоқалари; фотография жанрлари хусусиятлари; ёритиш асбоб ускуналари ва уларнинг имкониятлари; кадрнинг колористик ечимини ишлаб чиқиш технологияси; содда ва мураккаб композитциялар қуриш усуллари; фоторепортаж тасвирга олиш; кўп кадрли тасвир; фотоочерк яратиш усуллари; фотографияга доир барча турдаги техник воситалар; фото тасвирга олиш ва уни қайта ишлаш; фотосуратларни архив учун рўйхатга олиш, сақлаш; фотографик асарларни қайта ишлашда замонавий компьютер дастурлари; фото асарларни ранг ва ёрқинлик жиҳатидан корорекциялаш ва чоп этиш; фотография асарининг жанр хусусиятларидан келиб чиқиб усул ва услублар, техник воситалар; фотография ва суръатга олиш турлари; хужжатли фотография, предметли фотография, экспериментал фотография, фотожурналистика, фотопортрет, натюрморт, фотоэтюд, фоторепортаж, фотоочерк; фотография тарихи ва назарияси; тасвирий техникаси; объект тасвирларни ёруғлик ва монанд фотография материалларида акс эттириш назарияси, тарихи ва усуллари; инсон ёки предмет тасвирларини шакл ва формага жойлаштириш режаси; матрицада рақамли тасвир; рақамли тасвирни қоғозга кўчириш; фотография санъатини жаҳон тасвирий санъатидаги ўрни.

**7.5.3.4. Бадий фотони компьютерда лойиҳалаш:**

фотодизайн турига мос соҳанинг илмий-ижодий ва техникавий муаммолари ва ривожининг истиқболи ҳамда уларнинг турдош соҳалар билан ўзаро алоқаси; бадиий фотография турига мос соҳа билан боғлиқ бўлган асосий объектлар ва жараёнлар, уларни илмий тадқиқ қилиш усуллари; ўрганилаётган объектларга қўйиладиган илмий-ижодий талаблар, бадиий саҳифалаш соҳасидаги тарихий тажрибалар, бадиий саҳифалашнинг замонавий восита ва усуллари, бадиий фото ишида қўлланиладиган асосий материаллар, компьютерларда ишлов бериш учун зарур бадиий фото расмлар, компьютерларда энг содда буюмларнинг тузилишидан бошлаб мураккаб намуналар тузилишини яратиш, мураккаб бадиий саҳифалаш усуллари, дунё халқлари тарихи, фалсафаси ва мифологиясини саҳифалаштириш методлари бўйича билимлар, фотодизайннинг ривожланиш тарихи, бадиий фотография ва фото расмларнинг замонавий тенденциялари, компьютер графикаси турлари, компьютер графикасидан фойдаланиш усуллари, компьютер графикасининг махсус дастурлари, компьютер графикасини қўллаш соҳалари; уч хил тамғаларни билиш; символларнинг фаоллаштиришини таъминлаш; текстура, проекция; макетлар билан ишлаш; матнли ва белгили ахборотларни кодлаштириш, риторик шаклларни билиш; эскизни яратиш;

O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORAT ... AXBOROT TEXNOLOGIYALARI ...

рангларни тасаввур қилиш моделлари, замонавий дастурларни қўллаш орқали тасвирларни қайта ишлаш воситалари, компьютер тасвирларининг босмагача бўлган тайёргарлик услублари ва воситалари, китоб ва рисолалардаги фоторасмларнинг электрон макетларини тайёрлаш, бадиий фото расмларни ишлатилган ҳолда, уларни нашрга ҳозирлаш, расм, сурат, плакат ва ҳ.к.нинг электрон кўринишларини тайёрлаш.

Delphi, Паскаль тили; операцион тизим умумий характериститкаси; график тасвирлар устида ишлаш; хужжатларни турли матн процессорлар орқали таҳрирлаш (Word); жадвал процессори – Microsoft Exel; тақдимотлар яратиш, улар устида ишлаш.

Microsoft Power Point дастури; accses маълумотлар базасини яратиш усуллари ва умумий характеристикаси; тармоқлар устида ишлаш; интерент хизматларидан фойдаланишни ўрганиш; электрон почта очиш ва ундан фойдаланиш.

**7.5.3.5. Фотоаппаратура, оптика ва махсус тасвир:**

ушбу фанда фотографиянинг пайдо бўлиш тарихи, биринчи фотосуратларнинг яратилиши, фойдаланилган ускуна ва анжомлар; дастлабки фотоаппаратлар; фотоаппаратнинг энг замонавий турлари; фотосаноатида ишлаб чиқариладиган техник ускуналар; объектив; фотосуратни фотообъектив ёрдамида фототасма ёки фотосенсорларда акс эттириш; расмнинг сифатини олдиндан бошқариш усуллари; объективнинг асосий қисмлари – диафрагма, фокус масофаси, линза қопламаси, гиперфокал фокус масофаси, объективлардаги камчиликлар (аберрациялар – кома, бокэ, сферик аберрация, хроматик аберрация ва ҳ.з.), тасвирга тушириш майдони бурчаги, объективлар турлари (қисқа фокусли, нормал, узун фокусли, софт, монокль, перископ, триплет, репродукцион, проекцион ва ҳ.з), светофильтрлар (ультрабинафша, поляризацион, кул ранг, панхроматик фототасмалар учун қўлланиладиган фильтрлар ва ҳ.з), фотооптика фотографиянинг асосий қисми сифатида; ёруғлик билан расм чизиш, ёруғлик нурларининг ҳаракати, оптик линзада ёруғлик нурининг турли бурчакларда синиши ва тасвирнинг хосил бўлиш қонунлари, фотоаппарат турлари, қисмларнинг ишлаш жараёни, фотоаппаратдан фойдаланиш қоидалари, унинг профилактикаси, таъмири; реклама фотосъёмка асослари; репортаж жараёнида тасвирга олиш; фотоочерк тасвирининг моҳияти;

замонавий рақамли фотография асослари, улурнинг ишлар принципи: рақамли фотоаппаратлар, махсус объективлар, флэш-карталар, матрица, сенсор, автофокус, автоёруғликни ўлчаш қисмлар, пикселлар нима?, RAW, TIFF ва JPG орасида ги фарқ, оқ ранг балансини ўлчаш, рақамли фотосуратларга копьютер ёрдамида ишлов бериш, уларнинг камчилик ва нуқсонларини бартараф этиш усуллари;

махсус тасвир: мураккаб ва махсус тасвирга олиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари; макро ва микро суратга олиш, кадр устига кадр тушуриб мураккаб фотосурат хосил қилиш, ноқулай об-ҳаво шароитларида (қор, ёмғир, туман, кечаси ва ҳ.з) суратга олиш. сув ости ва аэрофотосъёмкаларни олиш жараёнини ўрганиш ҳамда унда қўлланиладиган ускуналарни билиш каби амалий ва назарий билимлар ўргатилади.

**7.5.4. Ихтисослик фанлари блокининг зарурий мазмуни ва компонентлари**

**7.5.4.1. Фототехника ва технологиялари:**

фототехниканинг ривожи; фотода техник материалларнинг ва ижодий ишлаб-чиқариш жараёнларининг аҳамияти; ёруғлик сезувчи материаллар ва уларнинг тузилиши; оқ-қора тасвирни олиш жараёни, фотоэмульсия синтези; фототасма асослари, уларнинг тайёрланиши, физикавий ва кимёвий жараёнлар; фототасманинг оптик сенсибилизатори, асосга фотоэмульсия қуйиш, фототасмани қайта ишлаш; яширин тасвирнинг пайдо бўлиши; яширин тасвирларнинг физикавий ва кимёвий жараёнлари; негатив фотоматериаллар, сенсибилизарлаштирилмаган материаллар; тасвирга олиш усуллари, чизилган расмлар ёрдамида сценарий моҳиятини фототасмага тушириш, контр ёруғлиги, композицияни кўриш; ёритиш, саҳналаштирилган ва режимли ҳолатларни оқ-қора ва рангли фототасмаларга тушириш қонунлари; экспозиция режими, тасвирга туширилаётган объектнинг экспонометрик таҳлили; “ёруғлик баланси” ва “равшанлик интервали” тушунчалари; тасвирга олиш жараёнида (панхроматик ва кўп қавватли тасмада) тонларни фотографик қайд

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, ... 
NAZORAT ...
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH ...

этиш жараёни; экспозицияга таъсир кўрсатувчи факторлар; экспозиметр турлари; электрон ва оптик микроскоплар ёрдамида тасвирга олиш; шаффоф ва бир хил бўлмаган оптик муҳитда тасвирга олиш; инфрақизил ва инфрабинафша нурлар ёрдамида тасвирга олиш; фототасмалар ва уларни ишлатилиши буйича тавсиялар; оқ-қора тасмаларни ювиш, тасвирни чиқарувчи, равшанлаштирувчи, сақловчи, тезлаштирувчи кимёвий эритмалар; фотографияда қўлланиладиган кимёвий эритмалар ва уларнинг турлари; мураккаб ва ва махсус тасвирга олиш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари; экспонометрик назоратининг иккита асосий усуллари; фотографияларни тасвирга олиш жараёнида экспозиция режимини ўрнатиш; асл тасвирга олиш жараёнидаги экспонометрик назорат; мураккаб фотокадрлар устида ижодий ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш; тасвирга олиш жараёнини амалга оширишдаги фотокамералар ва асбоблар; тасвирнинг ёруғлик ва ранг драматургияси, рассомнинг бадиий асардан тасвирий асар яратиши; проявитель, фиксаж ва уларнинг турлари; фотография санъатида пайдо бўлаётган янги шакл ва жанрлар; тасвирга олиш учун техник тайёргарлик босқичлари; мураккаб ва махсус тасвирга олиш жараёнларида фоторассомнинг иштироки.

**7.5.4.2. Бадиий фотокомпозиция:**

бадиий фотога олиш, бадиий портрет олиш, манзара олиш, натюрморт олиш, гипс ҳайкалларини нур билан тасъвирга олиш, ҳужжатли ва қўйилган фото, фото очерк, фото репортаж, фотография амалиёти ва назарияси; фотографиянинг бадиий савияси, бадиий фотокомпозицияда инсон онги, психологик ҳолати ва дунёқарашини кўрсатиш, бадиий фотокомпозицияда шакл ва асар ғоясининг яхлитлигини акс эттириш, бадиий фотокомпозиция қонуниятларининг, унинг ғоясининг фотоасарларда акс этиши, асарни яратишдан олдин лойиҳалаш жараёнида керак бўладиган техник ускуналар, фотография қонуниятлари, композиция усуллари ва воситалари, техник томондан мукаммал, ижодий нуқтаи назардан пухта бажарилган асар яратиш, фотоасар қизиқарли бўлиши учун бадиий жиҳатдан мукаммал услубларни излаш, расмдаги ҳар бир буюм ва жисмларнинг ўзаро бир мавзуга эгалигини, ранглар уйғунлигини таъминлаш, ижодкор мутахассислар, тасвирий санъатнинг реалистик мактаб анъаналари, замонавий тасвирий санъат ва фотоиндустриянинг янги поғоналари, фотосанъатининг ривожланишининг асосий босқичлари, бадиий жараённинг ташкил этилиши билан боғлиқ услублар, яратилган ва яратилаётган бадиий асарнинг таъсирчанлигини баҳолаш.

***7.5.5. Танлов фанлари***

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланиб, талабалар уларнинг ичидан қизиқиш ва мойилликларига мос келадиганларини танлаб ўқийдилар.*

**7.5.6. Малака амалиёти**

***Танишув амалиёти (табиат шаклларини ўрганиш):***

ўсимликлар, ҳайвонлар ва қушларнинг шаклларини фотосъемка орқали ўрганиш; улар шаклларининг ўзига ҳослигини фотосъемка орқали таҳлил этиш; ўсимлик, ҳайвонлар ва қушлар фоторасмларини ишлаш каби фаолиятларни ўз ичига олади.

***Фотографиядаги барча жанрларнинг фотосъемка амалиёти:***

гипсдан ясалган моделларни суратга олиш (тусли, нур-сояли ва эффектив (таъсирли) ёруғликда); натюрмортлар (тусли, нур-сояли ва эффектив (таъсирли) сунъий ва табиий ёруғликда; бадиий ва ҳужжатли портретлар (тусли, нур-сояли ва эффектив (таъсирли) ёруғликда); бир нечта спорт, воқелик, фольклор ва замонавий ҳаётнинг фотоочерки ва мухбир хабарлари; куннинг ҳар хил пайтида кенг бурчакли объектда, турли ракурсларда қадимий ва замонавий меъморчилик обидаларини суратга тушириш; турли сунъий ва табиий ёруғликда интерьер ва экстерьерларни суратга олиш; ёрдамчи қурилмалардан фойдаланиш; куннинг ҳар хил пайтида шаҳар, қишлоқ, тоғ, денгиз манзараларини суратга олиш; куннинг ҳар хил пайтида (тусли, нур-сояли ва эффектив (таъсирли) ёруғликда) фотоэтюдларни суратга олиш; суратга олишнинг махсус турлари (макро, микро, тиббий ва илмий-тадқиқот,

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, METROLOGIYA NAZORATINI AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH ...

ёруғлик ёзуви, солярийлашиш, барельеф); ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини (флора ва фауна) акс этиш;

архитектуравий шаклларни ўрганиш, фотосъемка ва таҳлил қилиш; дизайн турларига мос келадиган архитектуравий декор асарларини, шаклга ва функцияга мос ҳолда фотосъемка қилиш; шаклларни бадиий-эстетик ва конструктив хусусиятларини ўрганиш ва фотосъемка қилиш каби фаолиятларни ўз ичига олади.

***Ишлаб чиқариш амалиёти объектлари:***

кино- теле- фотостудиялар, театрлар, тиббиёт ва илмий-тадкикот институтлари, реклама ва саёхлик агентликлари, электрон ва нашрли оммавий ахборот воситалари объектнинг интерьер ва экстерьер дизайнда асосий этапларини ўрганиш, турли саноат корхоналари, архитектуравий дизайн соҳасига мос келадиган, бадиий маҳсулот чиқарадиган корхоналар фаолиятини ўрганиш каби фаолиятларни ўз ичига олади.

***Битирув олди амалиёти:***

Талабалар битирув амалиёти даврида малакавий битирув иши мавзуси бўйича маълумот тўплашади, шунингдек, қўшимча равишда махсус фанлар бўйича мутахассислар ва бевосита курс иши раҳбари билан маслаҳатлашиб иш юритади. Тўпланган маълумотлар малакавий битирув ишида ўз аксини топиши лозим.

**7.5.7. Битирув иши**

битирув иши мавзулари соҳанинг ривожланиш истиқболи ва бадиий фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув иши мавзулари лойиҳавий ёки илмий-бадиий йўналишида бўлиши ҳам мумкин.

Битирув иши топшириги, одатда талабаларга учинчи курс тугатганидан кейин берилади. Битирув иш умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштирганлик даражаси бўйича тўртинчи курсда, шунингдек унинг бажарилиши учун ушбу стандарт томонидан белгиланган вақт давомида бажарилади.

## 8. Бакалавриат таълим дастурини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар

### 8.1. Бакалавриат таълим дастурини ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар

**8.1.1.** Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар таълим дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши керак.

**8.1.2.** Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўгаракларда, талабаларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши керак.

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, SAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

**8.1.3**. Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёнида машғулотларнинг фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шаклларини ўтказиш, талабаларнинг касбий кўникмаларини шаклллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллаш назарда тутилиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши керак.

**8.1.4.** Талабалар ўқув юкламасининг максимал ҳажми таълим дастурига ОТМ томонидан қўшимча белгиланадиган факультатив фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

**8.1.5.** ОТМ талабалар учун ўқиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишни инобатга олган ҳолда, шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга масъул.

**8.1.6.** Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан(модул, курс)лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

**8.1.7.** Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

**8.2. Таълим дастурини татбиқ этилиши**

***5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури аккредитацияланган олий таълим муассасаларида ривожланаётган таълим технологияларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланиб амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибори устувор бўлмоғи ва унга шароит яратилиши керак.

Малака амалиёти замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва ИТИларида ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўқиш даврида талаба камида иккита Давлат аттестацияларини (гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва чет тили фанларидан) топширади ва битирув иши (лойҳаси)ни ҳимоя қилади. Давлат аттестацияси мос интеграллашган курслар бўйича ўқув жараёни тугаллангандан кейин топширилади.

**8.3. Малака амалиётини ташкил этиш талаблари**

Амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар ўқув ва (ёки) ўқув-ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури табиий шаклларни ўрганиш, фотографиядаги барча жанрларнинг фотосъемкаси, ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиётларини ўз ичига олади.

Ўқишнинг биринчи йилида табиат шаклларини ўрганишга қаратилган танишув амалиёти ўтказилади. Бу амалиёт ўсимликлар, ҳайвонлар ва қушларнинг шаклларини фотосъемка орқали ўрганиш; улар шаклларининг ўзига хослигини фотосъемка орқали таҳлил

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORAT N. MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI

этиш; ўсимлик, ҳайвонлар ва қушлар фоторасмларини ишлаш ***кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.***

Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг комиссия олдида ҳисобот берилади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Фотографиядаги барча жанрларнинг фотосъемкаси амалиёти - уларнинг шаклларни ўрганиш, фотосъемка ва таҳлил қилиш; дизайн турларига мос келадиган объектларнинг шакли ва функцияларига мос ҳолда фотосуратга олиш; шаклларни бадиий-эстетик ва конструктив хусусиятларини ўрганиш ва фотосуратга олиш;

Ишлаб чиқариш амалиёти – республикамиздаги фото, кино, телестудиялар, театрлар, тиббиёт ва илмий-тадкикот институтлар, реклама ва саёҳлик агентликлар, электрон ва нашр оммавий ахборот воситаларида амалий ўқув жараёнида иштирок этиш, тўплаган амалий билимларини фаолиятда қўллаш, турли саноат корхоналари, фотодизайн соҳасига мос келадиган, бадиий маҳсулот чиқарадиган корхоналар фаолиятини ўрганиш ***кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.***

Ўқишнинг тўртинчи йилида ўтказиладиган амалиёт битирув иши учун материал тўплаш, махсус фанлар бўйича мутахассислар билан ишлаш, битирув иши раҳбари билан ишлаш, битирув иши учун материалларни тайёрлаш, битирув ишининг назарий ва амалий қисмлари ёзма шаклда тайёрлаш ***кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.***

Талабаларнинг илмий-бадиий иши амалиётнинг бир бўлагини ташкил қилиши мумкин. Илмий-бадиий иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. У талабани 6-семестрдан кафедранинг илмий ишида албатта иштирок этишини, курс ишларини илмий ва лойиҳавий мавзулар бўйича бажаришини ва ҳимоя қилишини, талабанинг талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этишини ва битирув ишини кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажаришини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишининг ташкил қилинишида ОТМ томонидан қуйидагилар билан таъминланиши керак:

– курс ишларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;

– мутахассис чиқарувчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича талабаларни илмий-тадқиқот ишларини бажаришлари учун лабораторияларда иш жойлари билан таъминлаш;

– ОТМнинг АРМида мустақил илмий-тадқиқот ишини олиб бориш имкониятини яратиш;

– талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил қилиш;

– талабалар илмий конференцияси ғолибларига мамлакатнинг бошқа ОТМларига маърузалар билан чиқиш имкониятларини яратиш.

**8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар**

Бакалавриат таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга эга бўлган, билим, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалавриат ўқув жараёни илмий-педагогик, илмий ёки илмий-методик фаолият билан шуғулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Бакалавриат таълим дастурини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар ҳар 3 йилда малакаларини ошириб боришлари керак.

O'ZSTANDART ...
STANDARTLASHTIRISH ...
NAZORAT NI MUVOFIQLASHTIRISH ...
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI ...
JORIY ETISH ...

### 8.5. Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари

Таълим дастури таълим дастурининг ҳамма ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув-методик ҳужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир талаба таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклланадиган маълумотлар базаси ва АРМ фондидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак.

Таълим дастури бўйича ҳар бир талаба ўрнатилган меъёрларга мос равишда таълим дастурига кирувчи ҳар бир фан бўйича ўқув ва ўқув-методик чоп этилган ёки электрон нашрлар билан таъминланиши керак.

АРМнинг асосий фонди фанлар бўйича охирги 10 йилда (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар – охирги 5 йилда) чоп этилган ўқув адабиётларининг босма ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари қўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМнинг АРМда таълим йўналишининг ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув-методик қўлланмалар ( камида ҳар 6 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши керак.

Мамлакатимиздаги ва чет элдаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равишда ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва қидирув тизимларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

***5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврни тайёрлаш жараёнида асосан қуйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

– ўқитишнинг интерфаол методи;
– муаммоли ўқитиш технологияси;
– ўйинли технологиялар;
– танқидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари;
– шахсий йўналганлик асосидаги педагогик технологиялар;
– ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар;
– ўқитишни дифференциациялаш;
– ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси;
– дастурий ўқитиш технологияси;
– ўқитишнинг комплекс методлари (лойиҳавий метод, тармоқли режалаштириш методи, ақлий ҳужум, ассоциограммалар методи ва ҳ.к.).

### 8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар

Бакалавр тайёрлашнинг таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, семинар, лаборатория машгулотлари ҳамда курс иши, амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун санитария-гигиена, ёнғинга қарши қоидалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак.

Бакалавр талим дастурини амалга ошириш учун ОТМнинг минимал зарур бўлган моддий-техник базаси:

– маъруза аудиториялари;
– семинар ва амалий машғулотлари аудиториялари;
– илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар;
– ўқув машғулотларида кўргазмали материалларни намойиш қилиш учун турли хил аппаратуралар;
– амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар;

O'ZSTANDART ... STANDARTLASHTIRISH, ... NAZORATINI ... AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH ...

– илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари;

– интернет тармоғидан фойдаланиш учун глобал тармоққа уланган компьютер синфлари;

– семинар машғулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши керак.

## 9. Бакалаврни тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш

**9.1.** Бакалавриат йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

***ички назорат*** ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

***якуний давлат назорати*** давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича якуний давлат аттестацияси ва бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олиб, ўрнатилган тартибда амалга оширилади;

***давлат–жамоат назорати*** олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

***ташқи назорат*** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**9.2.** Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ тартибга солинади.

**9.3.** ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши керак.

**9.4.** Якуний давлат аттестацияси бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади.

Битирув ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

**9.5.** Олий таълим муассасаси:

– ушбу стандартдаги талабларга риоя қилиниши;

– профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;

– ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганини;

– ўқув жараёнининг моддий-техникавий таъминланганиши учун тўла масъулдир.

## 10. Эслатма

**10.1.** Олий таълим муассасасига:

– ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкламасини оширмасдан ўқув материалини ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўқув фанлари блоклари учун 5% оралиғида, блокка кирувчи ўқув фанлари учун 10% оралиғида ўзгартириш;

– ўқув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

O`ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, NAZORATNI ... AXBOROT TEXNOLOGIYALARI JORIY ETISH ...

Талаба битирув ишининг мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

**10.2.** Курс ишлари муайян ўқув фаолиятининг бир тури сифатида кўрилади ва ушбу ўқув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.

**10.3** ДТСни билиш профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

**10.4.** ***5150900 – Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ҳафталик аудитория ўқув юкламаси – 32 соат бўлган структура асосида ишлаб чиқилади.

## 11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати

**11.1.** ДТС ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, "Ўзстандарт" агентлигида давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш муддати - камида 5 йил.

**11.2.** Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-қоидалар қабул қилинса ДТСнинг амал қилиш муддати ўзгариши мумкин.

O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATI VA MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

**Илова**

***5150900 – Дизайн ( компьютер графикаси ва бадиий фото)* таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| Т/р | Фанлар блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар** | **1704** |
| **2.00** | **Математик ва табиий-илмий фанлар** | **794** |
| 2.01 | Олий математика | 138 |
| 2.02 | Информатика, ахборот технологиялари ва компьютер графикаси | 266 |
| 2.03 | Экология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги | 126 |
| 2.04 | Перспектива | 132 |
| 2.05 | Материалшунослик | 132 |
| **3.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3668** |
| 3.01 | Тасвирий санъат умумий тарихи | 320 |
| 3.02 | Чизматасвир ва рангтасвир | 1410 |
| 3.03 | Рангшунослик ва композиция асослари | 234 |
| 3.04 | Бадиий фотони компьютерда лойиҳалаш | 970 |
| 3.05 | Фотоаппаратура, оптика ва махсус тасвир | 380 |
| 3.06 | *Танлов фанлари* | *354* |
| **4.00** | **Ихтисослик фанлари** | **736** |
| 4.01 | Фототехника ва технологиялари | 264 |
| 4.02 | Бадиий фотокомпозиция | 218 |
| 4.03 | *Танлов фанлари* | 254 |
| **5.00** | **Қўшимча фанлар** | **442** |
| | **Жами** | **7344** |
| | **Малака амалиёти** | **756** |
| | **Битирув иши** | **270** |
| | **Аттестация** | **1026** |
| | **Жами** | **2052** |
| | **Ҳамаси** | **9396** |
| | | |

***Эслатма:*** *Ушбу таълим дастурининг фанлар таркибига ва уларнинг умумий юкламалар ҳажмига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORAT ... AXBOROT TEXNOLOGIYALARI ... JORIY ETISH ...

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:** камера-обскура, корпус, диафрагма, затвор, экспонометр, шкалали фотоаппаратлар, узоқдан тасвирга олиш фотоаппаратлар, кўзгули фотоаппаратлар, видоизлагичлар, узоқни кўриш учун алмаштириладиган фотоаппарат қисмлари, чўзилувчи ҳалқалар, штатив, рангли фотоқоғозлар, проявитель, фиксаж, субтрактив ва адитив тизимлар, фотообъектив, фокус, линза, гиперфокал фокус масофаси, фотокамера, аберрация, фотоиндустрия, фотошоп, тоналлик, композиция, фотоаппаратура, оптика, компьютер графикаси.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, ... NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH ...

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази

Директор ____________ **Б.Ҳ.Рахимов**

2014 йил «12» 02

М.Ў.

К. Беҳзод номидаги МРДИ институти

Ректор __________________________ **Х.Р.Аминов**

2014 йил «11» 02

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Бадиий Академияси

ТМ ва ИЁБИББ ________________________А.Порсоев

2014 йил «15» 02

М.Ў.

Тошкент архитектура қурилиш институти

Ректор ___________________________**Т.А. Низомов**

2014 йил «15» 02

М. Ў.

## Ижодий гурух раиси ва аъзолари

## Ижодий гурух раиси ва ўринбосари

| Ижодий гурух раиси | О.Қосимов | Ўқув ишлари бўйича проректор | Имзо |
|---|---|---|---|
| Ижодий гурух раиси ўринбосари | А.Р.Мустаев | Кафедра мудири | Имзо |

## Ижодий гурух аъзолари

| Т/р | Ўқув фанлари (курслар)ининг номи | Таянч ОТМдан | | Турдош ОТМдан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ф.И.Ш., ловозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо | Ф.И.Ш., ловозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо |
| **3.00** | **Умумкасбий фанлар** | | | | |
| 3.01 | Тасвирий санъат умумий тарихи | Гильманова Н.В. доцент | | Бородина М.Р кафедра мудири, профессор Тер-Осипянц Е.Р катта ўқ. | |
| 3.02 | Чизматасвир | Гильманова Н.В. доцент | | Бородина М.Р кафедра мудири, профессор Тер-Осипянц Е.Р катта ўқ. | |
| 3.03 | Рангтасвир | Бородина М.Р кафедра мудири, профессор Тер-Осипянц Е.Р катта ўқ. | | Бородина М.Р кафедра мудири, профессор Тер-Осипянц Е.Р катта ўқ. | |
| 3.04 | Лойиҳалаш | Ўқитувчи С.С.Пирматов | | Дмитриева И.В. меъм.ном, доцент | |
| 3.05 | Ашёда ишлаш | Ўқитувчи Б.Ниязов | | Бородина М.Р кафедра мудири, профессор Тер-Осипянц Е.Р катта ўқ. | |
| 3.06 | Рангшунослик ва композиция асослари | Доцент Х.Файзиев | | Бородина М.Р кафедра мудири, профессор Тер-Осипянц Е.Р катта ўқ. | |
| 3.07 | Фото тасвирларни кўчириб ўтказиш | Ўқитувчи Б.Ниязов | | Бородина М.Р кафедра мудири, профессор Тер-Осипянц Е.Р катта ўқ. | |
| **4.00** | **Ихтисослик фанлари** | | | | |
| 4.01 | Фото техника ва технологиялари | Доцент Х.Файзиев | | С.Рашидов киноапператор давлат санъат арбоб | |
| 4.02 | Бадиий фото композицияси | Ўқитувчи Ғ.Шукуров | | С.Рашидов киноапператор давлат санъат арбоб | |
| 4.03 | Фото аппаратура ва оптика | Ўқитувчи Ғ.Шукуров | | С.Рашидов киноапператор давлат санъат арбоб | |
| 4.04 | Материаловединия | Доцент Х.Файзиев | | С.Рашидов киноапператор давлат санъат арбоб | |

O'ZSTANDART ... STANDARTLASHTIRISH ... NAZORATINI KUYGAYTIRISH ... AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BO'LIMI

**5150900- Дизайн ( компьютер графикаси ва бадиий фото) бакалавриат таълим йўналишининг Давлат таълим стандарти хузуридаги давлат тест марказида экспертизадан ўтказилди**

**Бошқарма бошлиғи в.вб.** ______________ **Б.Назаров**

**201_йил << 15 >> декабрь**

**М.Ў.**

**Эксперт гурухлари аъзолари:**

| Ф.И.Ш | Лавозими | Имзо |
|---|---|---|
| Исмаилов Абдурахим Исраилович | Заслуженный деятель искусств Узбекистана Лауреат Госпремии кинооператор-режиссер профессор ДСМИ | |
| Исмаилов Марат Насырович | Кинооператор-режиссер, высшей категории доцент ДСМИ | |
| Шарипов Рустам Ходиевич | Председатель секции Фото-художников, при Ак. Художеств Узбекистана, заведующий Фото пресс службы АП Р. Узбекистан | |
| Назаров Бахтиёр Мухаммаджанович | Заслуженный деятель искусств Узбекистана Академик Кино Художник | |
| Ширвашев Зия Зохидович | ОБМ бош эк. | |

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 253-сонли буйруғи асосида Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институтида қайта ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларининг турдош ОТМлар билан**

# КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш. «14» 02 2014 йил

Қатнашдилар: Ҳ.Р.Аминов - Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори, А.Порсоев -Ўзбекистон Бадиий Академияси ТМ ва ИЁБИ бўлими бошлиғи, О.Касимов - Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқув ишлари бўйича проректори, Қ.Қодиров – Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти ЎУБ бошлиғи, Р.Норчаев-Дизайн факультети декани, А.Юсупов- Тасвирий санъат факультети декани, С.С.Жураева-Амалий санъат факультети декани, Тугизов Ш.Х. - М.Улуғбек номли Самарқанд Давлат Архитектура Қурилиш институти "Дизайн" кафедраси мудири, У.А.Ваҳидова - ТТЕСИ "Либос" дизайни кафедраси мудири, М.Р.Бородина - ТАҚИ "Атроф-муҳит дизайни" кафедраси мудири, Э.Х.Хаитов - Дастгоҳли рангтасвир кафедраси мудири, К.Нишонова-Музейшунослик кафедраси мудири, Д.Т.Курязова - Тасвирий санъат тарихи ва назарияси кафедраси мудири, Ф.З.Атаханова - Либос дизайни кафедраси мудири, Б.Ходжиметов-Китоб графикаси ва миниатюра кафедраси мудири. А.Ўринов-Театр безаги санъати кафедраси мудири, Ф.Тошмухаммедов-Бадиий кулол кафедраси мудири, М.Исақова - Интерьер дизайни кафедраси мудири, Ш.Жуманиязов-Маҳобатли рангтасвир кафедраси мудири, А.Умаров-Информатика ва менежмент кафедраси мудири,А.Р.Мустаев-Реклама ва амалий графика кафедраси мудири, Ашуров Н.- Касбий таълим ва педагогика кафедраси мудири, Д.Жуманиёзова-Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, Ф.Маннопов-Чизматасвир кафедраси мудири, Р.Худойберганов-МРДИ ўқув-услубий кенгаш раиси.

**Кун тартиби:**

Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти томонидан тайёрланган қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари муҳокамаси:

1. 5111000 - Касб таълими (5150800 - Рангтасвир (дастгоҳли))
2. 5111000 - Касб таълими (5150900-Дизайн (либослар ва газламалар))
3. 5111000 - Касб таълими (5150900-Дизайн (интерьер))
4. 5150200 - Санъатшунослик (тасвирий ва амалий санъат)
5. 5150200 - Санъатшунослик (музей иши ва маданий мерос объектларини сақлаш)
6. 5150800 - Рангтасвир (дастгоҳли)
7. 5150800 - Рангтасвир (махобатли)
8. 5150800 - Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими)
9. 5150800 - Рангтасвир (театр безаги)
10. 5150900 - Дизайн (либослар ва газламалар)
11. 5150900 - Дизайн (интерьер)
12. 5150900 - Дизайн (реклама ва амалий графика)
13. 5150900 - Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото)
14. 5151000 - Дастгоҳ ва китоб графикаси
15. 5151000 - Графика (хаттотлик ва миниатюра)
16. 5151100 – Хайкалтарошлик (бадиий)
17. 5151200 - Амалий санъат (бадиий кулолчилик)
18. 5151200 - Амалий санъат (меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш)
19. 5151200 - Амалий санъат (амалий санъат асарларини таъмирлаш)
20. 5А150204 -Музейшунослик, тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш
21. 5А151201 – Тасвирий ва амалий безак санъати (монументал безак санъати)

Х.Р.Аминов – Маълумки, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 13 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 253 – сонли буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли қарори асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарорининг 1-иловасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда (илова этилаётган наъмунага мувофик) бакалавриат таълим йўналишларининг амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўкув режаларининг намунавий шаклларини яратиш зарурияти туғилди. ЎзР ОЎМТВнинг 253 – сонли буйруғига биноан Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти зиммасига *5111000 - Касб таълими (5150800 - Рангтасвир (дастгоҳли)), 5111000 - Касб таълими (5150900-Дизайн (либослар ва газламалар)), 5111000 - Касб таълими (5150900-Дизайн (интерьер)), 5150200 - Санъатшунослик (тасвирий ва амалий санъат), 5150200 - Санъатшунослик (музей иши ва маданий мерос объектларини сақлаш), 5150800 - Рангтасвир (дастгоҳли), 5150800 - Рангтасвир (маҳобатли), 5150800 - Рангтасвир (театр безаги), 5150800 - Рангтасвир (кинофильм тасвирий санъати), 5150900- Дизайн (либослар ва газламалар), 5150900- Дизайн (интерьер), 5150900- Дизайн (реклама ва амалий графика), 5150900- Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото), 5151000 - Дастгоҳ ва китоб графикаси, 5151000 - Графика (хаттотлик ва миниатюра), 5151100 – Хайкалтарошлик (бадиий), 5151200 - Амалий санъат (бадиий кулолчилик), 5151200 - Амалий санъат (меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш), 5151200 - Амалий санъат (амалий санъат асарларини таъмирлаш),* таълим йўналишлари бўйича 19та ва *5А150204 -Музейшунослик, тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш; 5А151201 – Тасвирий ва амалий безак санъати (монументал безак санъати)* магистратура мутахассисликлари бўйича 2та Давлат таълим стандарти ва ўкув режаларини тайёрлаш юкланган эди. Шу жараён қай тарзда кетмоқда, танишиб чиқсак.

О.ҚОСИМОВ– бизнинг ўкув-услубий бўлим томонидан ихтисослик кафедралари мутахассисларини жалб қилган ҳолда мазкур 19 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 2та магистратура мутахассислиги бўйича бўйича ДТС ва ўкув режалари ишлаб чикилди. Юқоридаги таълим йўналишлари бўйича ДТС ва ўкув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинди. ДТСларнинг қайта ишлаб чиқилишида: фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий, лаборатория машғулотларига ажратилган юкламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатлари тўғри шакллантирилди. Ишлаб чиқилган ДТС ва ўкув режаларни ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Қ.ҚОДИРОВ – мен мазкур ДТС ва ўқув режаларини кўриб чиқдим. Мазкур стандартлардаги бакалавлар ва магистрларга қўйилган талаблар, фанларнинг мазмуни ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб беради, деб ўйлайман. Ихтисослик фанлари мана шу мутахассисликлар мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб беради. Умид қиламанки, ушбу мутахассисликни битирган талабалар, маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш учун катта ҳисса қўшадилар.

А.ПОРСОЕВ - юқоридаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ДТС ва ўкув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган ва турдош ОТМлар билан келишилган.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти зиммасига *5111000 - Касб таълими (5150800 - Рангтасвир (дастгоҳли)), 5111000 - Касб таълими (5150900-Дизайн (либослар ва газламалар)), 5111000 - Касб таълими (5150900-Дизайн*

*(интерьер)), 5150200 - Санъатшунослик (тасвирий ва амалий санъат), 5150200 - Санъатшунослик (музей иши ва маданий мерос объектларини сақлаш), 5150800 - Рангтасвир (дастгоҳли), 5150800 - Рангтасвир (маҳобатли), 5150800 - Рангтасвир (театр безаги), 5150800 - Рангтасвир (фильмнинг тасвирий ечими), 5150900- Дизайн (либослар ва газламалар), 5150900- Дизайн (интерьер), 5150900- Дизайн (реклама ва амалий графика), 5150900- Дизайн (компьютер графикаси ва бадиий фото), 5151000 - Дастгоҳ ва китоб графикаси, 5151000 - Графика (хаттотлик ва миниатюра), 5151100 – Хайкалтарошлик (бадиий), 5151200 - Амалий санъат (бадиий кулолчилик), 5151200 - Амалий санъат (меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш), 5151200 - Амалий санъат (амалий санъат асарларини таъмирлаш),* бакалавриат таълим йўналишлари ва *5А150204 -Музейшунослик, тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш; 5А151201 – Тасвирий ва амалий безак санъати (монументал безак санъати)* магистратура мутахассисликларининг ДТС ва ўқув режалари ЎзР ОЎМТВнинг 253 – сонли буйруғи асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли карори меъёрларига қатъий амал қилинган ҳолда ишлаб чиқилган хамда асосий кадрлар истеъмолчиси бўлган Бадиий Академиянинг тегишли бўлинмаси мутахассислари томонидан экспертизадан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

